2012 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (12.083)

Баҳоси эркин нархда

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, болалар ва ўсмирларни спорт ҳамда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЎзА олган сурат

Болалар спорти

БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Мамлакатимизда спорт, айниқса, болалар спорти давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса унинг оммалашуви ва спортчиларни тайёрлаш сифатини оширишга ёрдам бераётир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Жамғарма саъй-ҳаракатлари ва маблағлари эвазига болалар спортини ривожлантириш, таълим муассасалари учун замонавий моддий-техника базасини яратиш, спорт мажмуалари, спорт иншоотлари ҳамда ташкилотларини ташкил этиш бўйича кенг кўламли комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Жамғарма томонидан мамлакатимизнинг барча жойларида спорт объектлари барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, республикамизнинг энг чекка туманларида ҳам спорт ва жисмоний тарбия билан оммавий шуғулланиш имконини беряпти. Масалан, пойтахтимизда биргина ўтган йилда 17 спорт объекти қурилиб, реконструкция қилинди, ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Мактабдан ташқари спорт-таълим муассасалари ҳам болалар спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу йўналишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари спорт таълими тизимини такомиллаштиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу тизимнинг муҳим бўғини бўлган спорт мактабларида болалар ва ёшлар жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмоқда, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ривожланиши ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган жисмоний-соғломлаштириш, спорт ҳамда тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 23-олимпия заҳиралари ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

(Давоми 3-бетда)

САНОАТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизи юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчилари бўлган машинасозлик ва автомобилсозлик тармоғи (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

2011 йилни «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ҳам муваффақиятли якунлади. Тармоқда юқори кўрсаткичларга ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган, халқ истеъмоли моллари ва қишлоқ хўжалиги учун кимёвий маҳсулотларнинг кўплаб турларини ишлаб чиқариш ҳисобига эришилди. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва ташқи бозорни ўзлаштириш ҳисобидан янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1171,7 минг тоннадан, шу жумладан, азотли ўғитлар – 924,3, фосфорли ўғитлар – 139,4, калийли ўғитлар – 108 минг тоннадан ошди. Шунингдек, аграр секторда фойдаланиладиган кенг турдаги озуқа фосфатлари, карбамид-аммиакли селитра, тринатрийфосфат ва бошқа турдаги кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Ўтган йили кимёвий маҳсулотлар экспорти прогнозга нисбатан 110,8 фоизни ташкил этди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида имзоланган шартномалар бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Шартнома мажбуриятларига кўра, тармоқ корхоналари 97,5 миллиард сўмлик товар-моддий ресурсларини харид қилди. Ҳозирги кунда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш орқали импорт товарлар ва хизматлар ҳажмини янада камайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

«Ўзкимёсаноат» ДАК матбуот хизматидан маълум қилишларича, тармоқ корхоналари мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий корхоналарни қуриш, янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Ўтган йили 57,7 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилгани ҳам буни тасдиқлайди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида косметика маҳсулотлари, болалар тагликлари ва бошқа гигиеник воситалар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ФАЙЗУ БАРАКА — ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА МЕҲНАТДА

Мамлакатимиздаги қадимий шаҳарлар, бетакрор тарихий обидалар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Шу боис йилнинг тўрт фаслида ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири пойтахтимизда айрим хорижлик меҳмонлар билан суҳбатлашди.

Харидер СЕТХ (Ҳиндистон):

– Касбим – фармацевт. Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Ўзбекистон – тиббиёт бешиги, десам хато бўлмайди. Боиси дунё тиббиёти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино шу юрт фарзанди. Бу аллома қолдирган бой меросдан замонавий тиббиётда жаҳон миқёсида кенг фойдаланилмоқда.

Олдинги сафарим чоғида дунёга машҳур Самарқандни кўриш, у ердаги бебаҳо тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Самарқандда кўрган ва эшитганларим бир умр ёдимда қолди. Айниқса, Регистон ансамбли, Тиллакори мадрасаси, ундаги нафис безаклар ва тилла билан зарҳалланган сержило ёзувлар мени ҳайратда қолдирди.

Юртингиздаги файзли ва осуда ҳаёт, фаровон турмуш, батартиб ва тўкин бозорлар бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Франсиско МУНОЗ (Испания):

– Дўстимдан Ўзбекистон ҳақида олам-олам таассуротлар ва қизиқарли воқеаларни эшитиб, тўғриси, ҳаловатим йўқолди. Ўзбекистонга сафар қилишга жазм этдим. Юртингизни ўз кўзим билан кўриб, бу ердаги очиқкўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбимда халқингизга катта меҳр уйғонди. Кўрганларим олдида дўстимдан эшитганларим ҳеч нима бўлмай қолди. Ўзбек халқининг муомала маданияти, моҳир ҳунармандлар нозик дид билан ишлаган бетакрор буюмлар, уста пазандалар тайёрлаган миллий таомлар бир умр ёдимда қолади.

Мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори сайёҳликни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим. Буни сайёҳлар, хорижлик меҳмонлар учун яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрига "Афросиёб" тезюрар поездида бориб келдим. Йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган ушбу поезд Испаниядан келтирилганини эшитиб янада қувондим.

Юртингизда ўтаётган ҳар бир куним унутилмас таассуротларга бой бўлмоқда. Бой маданият ва санъатга эга Ўзбекистоннинг мафтункор шаҳарлари билан танишувим ҳаётимда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига сингдириш масалаларига бағишланган минтақавий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда жамғарманинг Мустаҳкам оила йилидаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида бизнес-форум ташкил этилди.

● «Қоракўлматлуботсавдо» корхонасида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда мева-сабзавот маҳсулотларини табиий ҳолда сақлаш имконияти юзага келди. Айни пайтда замонавий совутиш тизими билан жиҳозланган омборхоналарда 360 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақланиб, савдо шохобчаларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

● Нукус туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида 934 миллион сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди ҳамда икки қаватли қўшимча ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу билим даргоҳи бир қатор янги мусиқа асбоблари билан ҳам таъминланди.

● Қўшкўпир тумани Янгилик қишлоғида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбиркор Илҳом Ўразметов саъй-ҳаракати билан «Раҳим Илҳом Ушир» корхонасига 140 миллион сўмлик замонавий технологик линия ўрнатилгач, кунига бир тонна ширинликлар ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган 10 нафар ишчи-мутахассис томонидан ойига ўртача 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● Россия ва Украина ўртасидаги газ бўйича музокараларда Европа Иттифоқи ҳам қатнашадиган бўлди.

● Ҳиндистонда 2007 йилда эълон қилинган тендерда Франция ютиб чиқди. Шу тариқа ушбу Европа давлати келгусида Ҳиндистонга 8,5 миллиард долларлик замонавий ҳарбий самолётларни етказиб бериш имкониятини қўлга киритди.

● Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатларга қалин қор ёғиб, кескин совуқ тушиши кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, Грециянинг бир нечта шаҳри ва унинг пойтахти Афинада қувурларнинг музлаб қолиши туфайли сув таъминотида узилишлар бўлмоқда. Шунингдек, Грециядаги мактаблар ўқувчилари мажбурий таътилга чиқарилди.

● Кеча Туркия қирғоқларида Россиянинг юк ортилган «Вера» юк кемаси ҳалокатга учради. Кеманинг 10 нафар экипаж аъзолари бедарак йўқолди.

● Кеча Океанияда магнитудаси 5,2 балли зилзила содир бўлди.

● 2011 йилда Европанинг «Airbus» самолётсозлик концерни маҳсулот тайёрлаш ва буюртмалар қабул қилиш борасида ўзининг асосий рақобатчиси — АҚШнинг «Boeing» корпорациясини ортда қолдирди. Хусусан, ўтган йили у мижозларга 534 та ҳаво лайнери етказиб берган бўлса, «Boeing» 477 та самолёт сотган. Ижобий кўрсаткичлар туфайли Европа концернининг тижорат авиацияси бозоридаги улуши 64 фоизга ортган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли муассасалар ва ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун тест синовлари ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатасида тадбиркорларга мўлжалланган асбоб-ускуналар каталоги нашр этилди. Унга Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Буюк Британия ва АҚШ давлатларида ишлаб чиқарилган 400 дан зиёд асбоб-ускуналар киритилган.

✓ **БУГУН** Олмазор тумани Маънавият тарғибот бўлими ҳамда 3-автосарой касаба уюшмаси ҳамкорлигида «Тўйларимиз-ўйларимиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

САНОАТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борада «Жиззах пластмасса» ва «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятлари эришган ютуқлар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, «Жиззах пластмасса» очиқ акциядорлик жамиятида атторлик моллари, болалар ўйинчоқлари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилган бўлса, «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида ғовакли селитра ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг инвестициявий сиёсати сармояларни, жумладан, хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда, замонавий рақобатбардош кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш каби истиқболли вазифаларни бажаришга қаратилган.

2011 йилда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари ҳам салмоқли натижаларга эришди. Мазкур тармоқ корхоналарида модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Ўтган йили «Бекободцемент», «Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган салмоқли ишлар давом эттирилди.

«Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятида цементни майдалаш бўлими модернизация қилинмоқда ва иккита янги ускуна ўрнатилмоқда. 2013 йилга қадар амалга ошириладиган мазкур лойиҳа натижасида ишлаб чиқариш қувватини йилига 1 миллион тоннага ошириш ва йилига 0,5 миллион тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш мўлжалланган.

«Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг технологик линияси ҳам модернизация қилинмоқда. Бу ускуналардан фойдаланиш муддатини узайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради. Лойиҳа 2013 йилга қадар амалга оширилади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит туфайли юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий қурилиш материаллари, хусусан, сопол плитка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган йили «ТошКСМ» очиқ акциядорлик жамияти ва «Moderna Ceramic Industries» қўшма корхонасида сопол плитка ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ўтган йилнинг май ойида «Кнауф Гипс Бухоро» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасида «Кнауф» фирмаси технологияси асосида гипс картон буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳа ҳам якунланди. Бу ерда йилига 20 миллион квадрат метр гипс картон қатламлари ишлаб чиқарилади. Германиянинг «Кнауф» компанияси мазкур лойиҳани амалга оширишга 35 миллион евро маблағ сарфлади. Ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологиялар асосида ташкил этилган ва тўла автоматлаштирилган.

Тошкентдаги «Панель пласт» қўшма корхонасида пенополистирол ва минерал увоқлар асосида уйларнинг олд томонига безак бериш элементларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ерда йилига 150 минг квадрат метр дераза токчалари, қулф қопламалари, қулф учун тошлар, тиргагичлар, устунлар, иссиқликни ўтказмайдиган ва қоплама панеллар ишлаб чиқарилади.

Янги инвестициявий лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши қурилиш саноати қувватини янада ошириш, ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини беради. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган саноатни барқарор, жадал ва мувозанатли ривожлантиришга қаратилган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ҳам бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

М. МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

Ушбу маданий тадбир мамлакатимизнинг Японияда элчихонаси ҳамда 2011 йилнинг августида Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида мухлислар эътибори совринига сазовор бўлган Японияннинг таниқли «Пинҳоний аждар» мусиқий фольклор гуруҳи томонидан ташкил этилди.

«Japan Foundation» жамғармаси маданият ва санъат департаментининг директори Бунджи Йокомичи «Жаҳон» ахборот агентлиги учун берган интервьюсида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги билан қутлар экан, икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик кўҳна Буюк Ипак йўли вужудга келган даврдан буён давом этиб келаётгани ҳолда кейинги йиллар давомида бундай алоқалар тобора ривож топаётганини таъкидлади. «Маълумки, Ўзбекистоннинг Самарқанд,

МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ КУЧИ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари Буюк Ипак йўлининг маркази бўлган», деди у.

Мулоқот чоғида Бунджи Йокомичи «Пинҳоний аждар» мусиқий фольклор гуруҳи анъанавий япон мусиқасига ўзига хос ёндошгани ҳолда замонавий услубни яратаётганини қайд этди.

«Сўнгги йилларда «Japan Foundation» жамғармаси маданий алоқалар соҳасида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида Ўзбекистон элчихонаси кўмагида Япония ва Ўзбекистонда яна қатор маданий тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган», деди Бунджи Йокомичи.

Жамғарма директори «Japan Foundation» япон жамоатчилигини ўзбек халқининг бой маданияти, санъати ва анъаналари, шунингдек, ўзбекистонликларни япон халқининг маданияти ва санъати билан таништириш бўйича қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришни режалаштираётганини ҳам маълум қилди.

«Пинҳоний аждар» мусиқий фольклор гуруҳининг яккахон хонандаси Шигери Кицу гуруҳнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ансамбль аъзолари Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилишганини мамнуният билан эслади.

Унинг сўзларига қараганда, Токиода берилган концерт Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказилган илк тадбирлардан бири бўлди. Ш. Кицу келажакда яна Ўзбекистонга ижодий сафар билан бориш орзусида эканини айтди.

Гуруҳ хонандаси Нобуто Яманака ҳам ўз ижодий жамоаси аъзолари билан бирга Самарқанд шаҳридаги гўзал тарихий масканлар — «Регистон майдонида» миллий мусиқа ва қўшиқларни ижро этишга муяссар бўлгани ўзи учун шараф эканлигини ҳамда мазкур сафар жуда ажойиб ва унутилмас таассуротлар қолдирганини маълум қилди.

Гуруҳнинг продюссери Юки Хата фикр билдирганидек, дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан япон мухлислари учун уюштирилган концерт ансамблнинг «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалидаги мусиқий чиқишларининг мантиқий давоми бўлди.

«Жаҳон» АА
Токио

Фармон ва ижро

ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАНЛОВИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, уларни мамлакат келажаги учун дахлдорлик руҳида тарбиялаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Балли, ҳуқуқшунослар – 2012» республика кўрик-танлови ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Танловда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик факультетлари, юриспруденция соҳасига ихтисослаштирилган олий таълим даргоҳларининг жамоалари ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш жараёнида уларнинг ҳуқуқий билимини янада ошириш, ҳуқуқий таълимни давр талаби асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу йўналишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмунмоҳияти, суд-ҳуқуқ тизимидаги улкан янгиланишлар, миллий қонунчилигимизнинг жаҳон ҳуқуқий амалиётига ҳамоҳанглигини тарғиб этиш юзасидан кўплаб лойиҳалар, кўрик-танловларни ўтказиб келмоқда.

Мазкур анъанавий республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, юриспруденция соҳасида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Кўрик-танлов жараёнида иштирокчиларнинг Президентимиз асарлари ва маърузалари, фармон ва қарорлар, Бош қомусимиз, давлат дастурлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини нечоғлик теран идрок этишига асосий эътибор қаратилди.

Тошкент давлат юридик институтининг «Адолат» жамоаси бош совринга лойиқ топилди. Биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий университетининг «Сарбон» жамоасига берилди. Иккинчи ўринга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Атлант», учинчи ўринга эса Наманган давлат университетининг «Водий гавҳари» жамоаси сазовор бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

СОҒЛОМ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Талабалар шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан «Ахборот хуружининг талаба-ёшлар онгига таъсири ва унинг олдини олиш чоралари» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шу билан ёшларни оммавий маданият, қолаверса ахборот хуружидан асраш бугунги кунда долзарб масалалар сирасига кираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада жойларда, айниқса ёш авлод вакиллари орасида мутасадди идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари, матбуот анжуманлари ўтказиб келинмоқда.

Вазирлик ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган тадбирда ҳам марказ директори Мурод Атамуратов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон этиб вояга етказиш жараёнида уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва чегара билмас, масофа танламас ахборот хуружидан асраб-авайлаш, шунингдек, жамиятда, айниқса йигит-қизлар орасида ҳуқуқий маданиятни янада мустаҳкамлаш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мирзо Улуғбек номидаги миллий университет ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этган мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, ахборот хуружининг талаба-ёшларга салбий таъсири ва унинг олдини олиш чораларини тушунтиришдан иборат эканлиги сўзга чиққанлар томонидан айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид-хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ҳамда сабоқ чиқариб яшашни талаб этмоқда. Бу каби тадбирларнинг олийгоҳларда ўтказилиши эса мамлакатимизда соғлом муҳитни янада барқарорлаштириш йўлида айни муддаодир. Аммо, фикримизча, бугунги кунда тобора долзарб бўлиб бораётган бундай мавзудаги тадбирларни биргина университет миқёсида эмас, балки шаҳримиздаги барча олийгоҳларда таҳсил олаётган йигит-қизларни ҳам қамраган ҳолда ўтказилса кутилган натижа ва қўйилган мақсадга тезроқ эришишга имкон яратилади.

Давра суҳбати қизғин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар олдилар.

Садоқат АСЛАНОВА

«Пойтахт» бизнес марказида Республика Савдо-саноат палатасининг навбатдаги кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Мустаҳкам оила йилига бағишланган тадбирда соҳа мутахассислари, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Кейинги йилларда юртимизда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ташқи бозорда рақобатбардош ва юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот етказиб берадиган корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва преференциялар бериш, шунингдек, экспорт ярмаркаларини ўтказишни кенгайтириш борасида устувор йўналишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Йиғилишда Савдо-саноат палатаси томонидан ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, Юртбошимизнинг фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридаги режаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш ўринлики, 2011 йилда Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари орасида ишбилармонлик муҳитини баҳолаш, бизнес юритиш шарт-шароитлари, рухсат бериш тартибларидан ўтиш ва кредит-молиявий ресурс масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида палата ходимлари назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган 716 та хўжалик субъектларини текшириш жараёнида қатнашди. Шунингдек, ҳудудларда тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тадбиркорлар куни» ташкил этилиб, унда соҳада фаолият олиб бораётган вакилларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий актлар моҳиятини тушунтиришга йўналтирилган семинарлар ташкил этилди.

— Бу йил корхонамизга Германиядан ғўштни қайта ишлаб чиқарувчи ва аҳолига қулайлик яратувчи янги технология сотиб олдик, — дейди Сурхондарё вилоятидаги «Лочин» фермер-хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Халқ Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев. — Бугун юртимизда сифатли, арзон, экспортбоп маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш масаласига ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Биргина, Сурхондарё вилоятида маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида янги маҳсулот ишлаб чиқарадиган, рақобатбардош маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қиладиган кўпдан-кўп корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бизнинг «Лочин» фермер-хўжалигимиз ҳам 2012 йилда ўз олдига улкан мақсадларни қўйди. Бу йил Германиядан олиб келинган янги технологияни жойлаштириб, иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ҳамда камида 500 нафардан ортиқ ёшни иш билан таъминлаш ниятидамиз.

Тадбирда 2012 йилда Савдо-саноат палатаси томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш учун максимал қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорликка янада эркинлик бериш, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

Солиқ

ЭЛЕКТРОН ТАРТИБДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимизда аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу солиқ идоралари ҳамда корхона, ташкилотлар ўртасида электрон тарзда маълумотлар алмашиш имкониятини туғдиради.

Маълумотлар, ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш иш унумдорлигининг ортиши, ҳисоботларнинг аниқлиги ва корхоналарнинг харажатларини қисқартиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, корхоналар турли интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўляпти.

Бугунги кунда ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишга йўналтирилган вазифаларни бажариш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекциясига 2011 йилда мавжуд корхона-ташкилотларнинг 72,5 фоизи ҳисоботларни электрон тарзда топширган. Айни пайтда корхоналар томонидан солиштирма далолатномалар бўйича маълумот олиш ишлари ҳам интерактив хизматлар ёрдамида электрон кўринишда амалга оширилмоқда.

Ҳабибулла САГДИЕВ,
Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси «Камерал назорат» бўлим бошлиғи

ФАЙЗУ БАРАКА — ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА МЕҲНАТДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кианфан ТОУ (Хитой):

— Тошкентга бундан етти йил аввал келган эдим. Бу гал шаҳарни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада чирой очганини кўриб, лол қолдим. Бу мафтункор замонда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени лол қолдирди. Ўзбеклардек ширинсухан инсонларни кам учратганман. Юртингизда турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.

Бу гал «Дедеман» меҳмонхонасида тўхтадим. Айтиб ўтиш жоиз, меҳмонхоналардаги сервис сифати янада яхшиланган, меҳмонхоналар сонининг ошгани, уларнинг инфратузилмаси батамом ўзгаргани таҳсинга лойиқ.

Лукас ПЮТТЕР (Австралия):

– Тинч ва осойишта ҳаёт сайёҳларни жалб қилувчи энг муҳим омиллардандир. Мен Ўзбекистонда ана шундай тинчлик ва осойишталикни кўрдим, батартиб ва фаровон ҳаётга гувоҳ бўлдим.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Қайси давлатга бормай, аввало, ўша юртнинг миллий таомлари билан қизиқаман. Ўзбек таомлари менга ғоят манзур бўлди. Палов, кабоб, чучвара, нориннинг таъми оғзимда қолди. Ушбу файзу баракани мен Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, тинчлик ва барқарорлик, халқингизнинг меҳнаткашлигию аҳил-иноқлиги самараси, деб биламан. Зеро, ҳалол меҳнат, тинчлик ва тотувлик ҳукмрон мамлакатда файзу барака ҳам мўл бўлади.

Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.

KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

Маълумки, «Камолот» ЁИҲ янги асрнинг бошларида ёш авлод вакилларини ҳар жабҳада қўллаб-қувватлашда ҳақиқий суянч ва таянч бўлиш учун ташкил қилинган эди. Ўтган йиллар давомида ҳаракат томонидан кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Албатта, бу борада ушбу ёшлар қанотининг негизи бўлмиш бошланғич ташкилотлар ва туман бўлимларининг ўрни беқиёсдир.

ЭЗГУ ЙЎЛДА БИРГАМИЗ

Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши мисолида олиб қарайдиган бўлсак ҳозирга қадар унинг атрофида минглаб туман ёшлари бирлашиб ўз орзу-истакларини эзгу мақсад йўлида амалга ошириб келяптилар. Шунингдек, ҳаракат фаоллари, мутасадди ташкилотлар томонидан мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда турли тадбирлар ўтказиб борилади. Республика миқёсида нишонланадиган байрамлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳар бир йигит-қиз мустақил ҳаётга кириб келар экан, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга интилади. Бу борада айниқса, ташкилот қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг ўрни ниҳоятда катта. Бу ерда тўрт йўналишда: компьютер технологиялари, ошпазлик, миллий рассомчилик ва дизайн курсларида 600 га яқин йигит-қизлар беминнат касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

Булардан ташқари, «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан битирувчилар орасида ишсизлик масаласини ҳал этиш борасида меҳнат ярмаркалари орқали янги иш ўринлари ташкил қилиниб, бунинг натижасида кўплаб ёшлар турли ташкилот ҳамда корхоналарда ўзларига муносиб касбларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Юртбошимиз «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» номли рисолаларида «Бу ташкилот ҳозирги мураккаб шароитда ёшларни нафақат ёт мафкуралар, диний экстремизм ва террорчилик, гиёҳвандлик каби ташқи таъсирлардан, балки ўзимиздаги ички хавф-хатарлардан – тўрачилик, сансалорчилик, маҳаллийчилик, боқибеғамлик каби иллатлардан асрашда фаоллик кўрсатиши керак»дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, бу борада «Камолот» ЁИҲ ўз фаоллиги билан қатор давлат идоралари ҳамкорлигида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш», «Одам савдоси–аср вабоси», «Сиз тарихни биласизми?», «Қулликка рози бўлмаймиз!», «Ҳуқуқларимизни ўрганамиз», «Конституция–бахтимиз пойдевори», «Эзгу ишда биргамиз», «Менинг бизнес ғоям», «Экология ва мен», «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» ва бошқа кўплаб акция, фестиваллар доирасида ўз лойиҳаларини ўтказиш орқали келажак эгаларини бирлаштириб келмоқда. «Истиқболли авлод» маркази, шунингдек, туман ИИБ ва прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида йил давомида мамлакатнинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган фаоллар орасида ҳамда маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Бу каби хайрли амаллар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, янада янги ғоялар билан бойитилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳаракатнинг Ҳамза туман бўлими томонидан амалга оширилган ишлар ўзининг самарали натижасини кўрсатмоқда, бироқ, ҳали ҳаётга татбиқ этилиши керак бўлган лойиҳалар ҳам бисёр. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ушбу ташкилот давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишлари, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур».

Ҳақиқатан ҳам вақт ва замон билан ҳамнафасликда ёшларнинг қаноти янада баланд парвоз қилиши учун «Камолот» ЁИҲ бунданда кўп ҳаракат қилиши ва юксак марралар сари бирлашиб интилиши, Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлкамизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини янада ошириш йўлида янада фаолроқ бўлиши лозим.

Шаҳноза ХОЛМУҲАМЕДОВА
«Камолот»ЁИҲ Ҳамза туман бўлими мутахассиси

Ёшлар — келажагимиз

ВАТАНИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Бугунги кунда олдимизга қўйилган барча эзгу мақсадларимизга эришиш учун кўплаб имкониятлар очиб берилган. Қайси соҳани танлашимиздан қатъи назар замонавий андозалар билан жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга даргоҳларда эмин-эркин таҳсил олишимиз, билим эгаси бўлишимиз мумкин.

Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва берилаётган имкониятлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани барчамизга алоҳида масъулият юклайди. Юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган жамики ислоҳотлар, халқаро муносабатларнинг кундан-кунга изчил ва самарали ривожланиб бораётганги ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз билан бирга бурчларимизни ҳам янада кучлироқ ҳис этишга, шунингдек, она Ватанга содиқ инсон бўлиб, дунё миқёсида Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлкамизнинг мавқеини янада кўтариш, ўз фуқаролик бурчимизни амалга ошириш каби эзгу ниятларни олдимизга мақсад қилиб қўйишга ундайди.

Истиқлол туфайли бугунги кунда мен ҳам барча олдимга қўйган мақсадларимга қатъият билан, босқичма-босқич эришиб келаяпман. Хусусан, 2008 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро ҳуқуқ» факультети талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ва аниқ билдимки, агар бирон ишни астойдил хоҳласанг ва сидқидилдан амалга оширсанг, юртимизда барча эшиклар ҳар бир инсон учун очиқ бўлади. Таҳсил олиш жараёнида кўплаб ютуқларни қўлга киритдим. Жумладан, «Инсон ҳаётида фаннинг қудрати», «Фуқаролик ҳуқуқида ахборот тушунчаси», «Тизимлаштириш аҳамияти», «Ислоҳотлар ва юксак маънавият», «Судлар фаолиятини демократлаштириш — давр талаби», «Никоҳ шартномасининг долзарб масалалари», «Оилавий мустаҳкам алоқаларнинг ҳуқуқий асоси» каби йигирмадан ортиқ илмий ва яна бир қанча оммабоп мақолаларим турли матбуот нашрларида чоп этилди. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» га бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган қатор конференцияларда, олийгоҳлардаги анжуманларда ўз маърузаларим билан иштирок этдим.

Шунингдек, университетимизда ташкил этилган «Ёш олимлар жамияти» Кенгаши аъзоси бўлиб, ўқув масканида ёш олимлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қанча лойиҳаларга муаллифлик қилдим, «Камолот» ЁИҲ фаоллари қаторига қўшилдим. Олийгоҳимиз қошида ташкил этилган юридик клиникада сабоқ олиб, устозларим берган билимларни амалиётда қўллаш имкониятига ҳам эга бўлаяпман. Энг қувонарлиси, ўтган йили Навоий номидаги Давлат стипендиясининг совриндори бўлдим.

Келгусидаги мақсадларим мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги алоқаларини янада ривожлантириш йўлида малакали ҳуқуқшунос бўлиш, сидқидилдан, Ватаним ривожи йўлида хизмат қилиш ва бу борадаги илмий ишларимни давом эттириш. Қолаверса, аждодларимиз бизга, бутун жаҳонга барча жабҳаларда ўрнак бўлгани каби бизнан кейинги ўсиб келаётган авлодларга, тенгдошларимга намуна бўлиш, юртим шарафи ва манфаатларини халқаро миқёсда доим ҳимоя қилишдан иборат.

Камолиддин МУҲСИМОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ва дипломатия университети талабаси

УНИВЕРСИТЕТДА ДАВРА СУҲБАТИ

Инсон психологияси жуда мураккаб. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётганлиги, глобаллашув жараёни юзага келтираётган салбий омиллар ёшлар онгига зарарли таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида батафсил фикр юритилган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда жамиятимиз фуқароларининг руҳий тарафдан ҳам мустаҳкам иродага эга бўлишлари долзарб саналади. Айниқса ёшларимизнинг турли вазиятларга психологик ёндошувлари уларнинг соғлом турмуш тарзи асосида ҳаёт кечиришларида муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент молия институтида талабалар ва бир гуруҳ психологлар билан биргаликда ўтказилган давра суҳбати «Психология ва мен» мавзусига бағишланди.

Тадбирда психологик хизмат кўрсатиш марказлари мутахассислари томонидан ёшларда мафкуравий иммунитетни янада мустаҳкамлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кундалик ҳаётда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш энг долзарб масалалардан эканлиги қайд этилиб, уларнинг ечими хусусида сўз юритилди. Психологик таҳдидлар тўғрисидаги видеороликнинг намойиш этилиши эса давра суҳбатининг кўргазмали ва янада таъсирли чиқишини таъминлади.

Шунингдек, Тошкент молия институти «Кредо» психологик хизмат маркази раҳбари Ф. Ёқубжонова, Ўзбекистон миллий университети «Гармония» психологик маркази психологи З. Обидова, Тошкент ислом университети психологик маркази раҳбари Д. Ганиева ва психология фанлари номзоди Р. Самадовларнинг маълумотларга бой маърузалари талабаларни фаолликка ундади. Улар ёшларга психологик тавсиялар бериш билан бир қаторда уларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб қайтаришди.

Давра суҳбати сўнгида «Мен ва мен»нинг психологик имижи мавзусида тренинг ўтказилиб, ташаббускор талабалар М. Абдуллаев, Ф. Юлдашев, О. Ибрагимов ва Р. Самадовларнинг ўзлаштириш қобилиятлари алоҳида қайд этиб ўтилди.

Санжар ҲАКИМОВ,
Тошкент молия институти 1-босқич талабаси

Она табиат қуёш нуридан куч олиб улғайган замин. Баъзида атроф-муҳитга қараб, бир сиқим тупроқ олиб узоқ ўйланиб қоласан киши. Турли-туман дарахтлар, кейин эса боғлар пайдо бўлган. Уларни суғориб, умрини узайтириш учун дарёлар ажралиб чиққан, бу гўзалликни тўлдириш учун қушлар ва ҳайвонлар олами яралган.

Мулоҳаза

ОНА ТАБИАТ — БОЙЛИГИМИЗ

Биз ана шу она табиат деб номланган дунёга нисбатан бугун қандай муносабатда бўлмоқдамиз, деган саволга жавоб топмоқ машаққати кишини фалсафий мушоҳадаларга олиб келади.

Ўлкамиз табиати нақадар ранго-ранг, унинг ўсимликлар, ҳайвонот дунёси қадимдан хилма-хиллиги ҳамда беқиёслиги билан инсон эътиборини жалб қилиб келган. Бугунги кунда ана шу гўзаллик дунёсини асраш, уни қонуний муҳофаза этиш долзарб вазифалардан бирига айланган. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари бошчилигида она табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан бир қанча қонун ҳамда қарорлар қабул қилинди.

Қонунларимиз орасидаги энг муҳим ҳужжат — бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Унинг ўн иккинчи боб учинчи бўлим, 55-моддасида табиий манбаларни давлат ўз ҳимоясига олганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, ҳайвонот, ўсимликлар дунёсини қонуний йўл билан ҳимоялаш аниқ-равшан баён этилган.

Биз бу ҳақда жуда кўп маротаба гапиришимиз мумкин, аммо минг афсуски орамизда она табиатга шафқатсиз муносабатда бўлиб, энг ёмони ўзининг шахсий манфаатларини устун қўйиб, ҳайвонот, ўсимликлар дунёсига зарар келтирувчи, ер ва сувни заҳарловчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Ахир Ўзбекистоннинг табиий бойликлари шу замин, шу ҳудудда яшовчи халқнинг мулки. Ана шу мулкни келажак авлодга зиён келтирмай, дахлсиз етказиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз ва бурчимиз бўлмоғи лозим.

Шундай экан улар устидан қонун назоратининг ўрнатилганлигини ҳисобга олиб она табиатни ҳар томонлама ҳимоя қилишда ёшлар, болалар онгида экологик маданиятни шакллантириш ҳамда ҳушёрлик ва масъулиятни ошириб, атроф-муҳитни кўз қорачиғидай асраш, экология ҳақида тушунча бериш, уларда табиатга ҳурмат билан қараш каби туйғуларни шакллантиришимиз керак.

Она табиат бизни боқмоқда. Ундаги ўсимликлар, ҳайвонот олами, паррандалари, суви, ҳавоси кафтимизда турибди. Агар биз унга нисбатан лоқайд, бемехр бўлсак ҳамда табиий бойликлардан оқилона фойдаланмасак, бу бойликларга қирон келтирсак келажак авлод бизни кечирмайди.

Табиат тақдири — инсон тақдири, унинг келажаги бизнинг келажагимиз, атроф-муҳитнинг тоза ва мусаффолиги — қалбимиз мусаффолигидир. Шундай экан бу бойликларни эъзозлайлик, уларни ёмон ниятли, ёмон кўзлардан асраб-авайлайлик, бу келажак авлодларга бебаҳо меросдир.

Тўлқин ЮЛДОШЕВ,
«Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши раиси

БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мактабимиз 1996 йили ташкил топган бўлиб, 2000 йилда олимпия заҳиралари мактаби мақомини олди, – дейди мактаб директори Луиза Ҳикматова. – Дастлаб, бу ерда иккита – сузиш ва слаломда эшкак эшиш бўлими бор эди. Ҳозир мактабимизда синхрон сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, сузиш, сувга сакраш, теннис ва спорт рақси бўйича бўлажак спортчилар тайёрланмоқда ҳамда ўқитилмоқда.

Бугунги кунда мактабда 800 нафардан ортиқ ўғил-қиз олти йўналиш бўйича ўқимоқда. Уларнинг аксарияти ўз спорт йўналиши бўйича катта муваффақиятларга эришган бўлиб, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ёки аъзоликка номзодлардир. Мактабимиз ўқувчилари орасида мамлакат ва Осиё чемпионлари кўп. Масалан, Андрей Пекут 2009 йилда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Синхрон сузиш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси таркиби ҳам бизнинг ўқувчиларимиздан иборат. Кейинги икки йилда мактабимиз сузиш ҳавзасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг шаҳар саралаш босқичи ўтказиб келинмоқда ва бу беллашувларда ўқувчиларимиз юқори натижаларни кўрсатмоқда. 2012 йилда терма жамоаси таркибида тарбияланувчиларимиз иштирок этаётган пойтахтимизнинг Олмазор тумани умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Мактаб ўқувчилари эришаётган ютуқлар ўқув-машқ жараёнларининг пухта ташкил қилингани ва ўтказилаётгани самарасидир. Ушбу жараёнлар ўқитишнинг барча босқичларида спорт йўналишлари бўйича тайёргарликнинг ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилмоқда, бу борада илғор илмий технология ҳамда услублар жорий этилмоқда.

– Сузиш билан тўқиз ёшимдан шуғулланаман, – дейди шу мактаб ўқувчиси Анастасия Рўзметова. – Мактабда ўтказаётган йилларим ҳаётимнинг муҳим босқичи бўлди. Мен бу ерда синхрон сузиш спорт турини қатъий танладим.

А.Рўзметова синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони, 2009 йилги Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳибаси. Синхрон сузиш нафис спорт турларидан бири бўлиб, кучли жисмоний тайёргарликни, қатъият, эпчиллик ва маҳоратни талаб қилади.

Мактабда спорт соҳасида катта тажрибага эга 35 нафар юқори малакали мураббий машғулотлар ва тарбиявий ишларни олиб бормоқда.

– Мана 15 йилдирки, сузиш бўйича ўз тажрибамни шогирдларимга ўргатиб келмоқдаман, – дейди катта мураббий Татьяна Сорокина. – Шу вақт ичида мактабимиздан кўплаб яхши спортчилар етишиб чиқди, уларнинг аксарияти кейинчалик мураббийлик касбини танлади ва, ўз навбатида, тўплаган тажриба ҳамда билимларини бугунги кунда шогирдларига ўргатмоқда.

Улардан бири – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2-босқич талабаси Дадахон Каримовдир. Сузиш бўйича спорт устаси унвонига эга бўлган Д.Каримов бу ерда малака оширмоқда ва мураббий бўлиб ишламоқда. Мазкур мактаб ўқувчилари бу йил қишки шаҳар биринчилигида иштирок этиб, ажойиб натижаларни кўрсатдилар. Дилрабо Султонова 50 метрга эркин ва баттерфляй усулда сузиш бўйича биринчи ўринни эгаллади, Моҳира Файзуллаева турли масофаларга эркин сузишда уч марта биринчиликни қўлга киритди, Анастасия Витальева 50 метрга чалқанча сузишда иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бу ерда ўз салоҳияти ва имкониятларини намойиш қилаётган кўплаб иқтидорли ўғил-қизлар тарбияланмоқда.

Болалар спорт мактабининг вазифаси соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг энг кучлиларига шаҳар ва мамлакат терма жамоалари сафидан ўрин олишда кўмаклашишдан иборат. Бошланғич гуруҳларга болалар ҳар йили сентябрь ойида саралаб олинади. Мураббийлар умумтаълим мактаблари, маҳаллалардан истеъдодли ўғил-қизларни излаб топади.

Бу ерда ўқув-машқ ва тарбия жараёнини самарали ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сузиш, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббийлар, инструкторлардан иборат юқори малакали мутахассислар жамоаси болалар билан шуғулланади, тиббиёт ходимлари улар саломатлигини мунтазам кузатиб боради. Мактабда иккита сузиш ҳавзаси бор. 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мактаб капитал таъмирланди, янги мебель ва инвентарлар олинди.

Мактабда спортчи ёшларни тайёрлаш бўйича беш босқичдан иборат кўп йиллик тизим муваффақиятли қўлланмоқда. Мураббийлар турли ёш ва даражадаги 64 гуруҳда иш олиб бораётир. Ўқувчиларнинг маҳорати ошган сайин гуруҳларда уларнинг сони камайиб боради ва бу мураббийларга ҳар бир тарбияланувчига кўпроқ вақт ажратиш, алоҳида ёндашиш, ўқитиш сифатини ошириш имконини беради. Ёш спортчилар эришаётган ютуқлар эса уларнинг меҳнатеварлиги ва катта салоҳиятга эга эканидан далолатдир.

Р. БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳри жамоат транспортида «Мерседес-Бенц», «Исузу» русумли автобусларда ҳамда трамвай вагонларида ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 450-850 минг сўм.

Қуйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат қилинг:

1. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 233-03-23.

2. «Тошавтобустранс» АК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 234-90-36.

3. «Тошэлектротранс» ДК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 244-24-75.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси

Спорт янгиликлари

ИҚТИДОРЛИ ШАХМАТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимизда 10 ва 16 ёшли ўғил-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати қизғин паллага кирди. ФИДЕ қоидалари асосида ўтказилаётган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 200 нафардан зиёд истеъдодли шахматчи дона сурмоқда.

Энг кўп иштирокчи дона сураётган 10 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида олтинчи турга келиб пешқадам ўзгарди. Бунгача кетма-кет бешта партияда зафар қучган мактаб ўқувчилари ўртасида Осиё чемпиони Нодирбек Абдусатторов (Тошкент) навбатдаги партияда хоразмлик рақиби Нодирбек Ёқуббоевга ютқазиб, мусобақа жадвалида учинчи ўринга тушди. Хоразмлик шахматчи эса беш ярим очко билан етакчиликни ўз қўлига олди. Мағлубиятсиз дона сураётган пойтахтлик Шамсиддин Воҳидов ҳам мазкур турда ўз ҳамшаҳри Жамол Шавдировни мот қилиб, очколар бўйича Нодирбек Ёқуббоевга тенглашди.

Қизлар ўртасида Тошкент шаҳри шахматчилари пешқадамлик қилмоқда. Олтинчи турда икки етакчи – Ситора Назарова ва Юлия Хегай ўзаро куч синашди. Ушбу баҳсда оқ доналарда ўйнаб рақибасини мот қилган Ситора олти очко билан энг юқори поғонага кўтарилди. Бу турда бешинчи ғалабасини нишонлаган яна бир пойтахтлик шахматчи Зайнаб Усмонова самарқандлик Диёра Шарифовани мағлубиятга учратиб, иккинчи ўринга чиқди. Юлия Хегай қучли учликдаги жойини сақлаб қолди.

16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида халқаро тажрибага эга иштирокчиларнинг кўплиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишига хизмат қилмоқда. Олтинчи турга келиб ўсмирлар ўртасида очко йўқотмаган шахматчи қолмади. Дастлабки беш партияда зафар қучган самарқандлик Алихон Гусейнов навбатдаги учрашувда бухоролик Саидқосим Алиевга ютқазиб, пешқадамлик мавқеини рақобатчиларига топширди. Пешқадамни мот қилган Саидқосим беш ярим очко билан иккинчи ўриндан жой олди. Мағлубиятсиз ўйнаётган тошкентлик ФИДЕ устаси Олег Артеменко эса сирдарёлик Элбек Жуманов устидан қозонилган ғалаба эвазига очколари сонини беш яримтага етказиб, биринчи ўринда бормоқда. Шунингдек, мамлакатимиз чемпиони – тошкентлик Ортиқ Неъматов ҳам ўз ҳамшаҳри Георгий Шавновни мот қилиб, совринли ўринлар учун курашаётан шахматчилар сафига қўшилди.

Қизлар мусобақасида етакчилик фарғоналик шахматчиларга ўтди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори фарғоналик Гулруҳбегим Тоҳиржонова ҳали очко йўқотмаган ягона шахматчи сифатида биринчи ўринни эгаллаб турибди. У навбатдаги партияда навоийлик Моҳинур Қаҳрамонова устидан зафар қучиб, кетма-кет олтинчи ғалабасига эришди. Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилаётган яна бир иқтидор эгаси – Нодирабегим Парпиева эса самарқандлик Фарида Хурсановани енгиб, бешинчи очкони қўлга киритди. Ҳали мағлубиятга учрамаган тошкентлик Мафтуна Рустамова ҳам самарқандлик Шаҳноза Турсуновани мот қилиб, кучли учликка қўшилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бермоқда. Яккакураш турлари бўйича мамлакат ва халқаро миқёсдаги фестиваллар, мусобақа ва кўрик-танловларда ёшларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар бунинг яққол тасдиғидир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказининг 2011 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган конференциясида бу алоҳида таъкидланди. Унда марказга аъзо федерациялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўтган йили яккакурашчи спортчиларимиз кўплаб халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этди. Жумладан, Францияда дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Ришод Собиров олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Наврўз Жўрақобилов эса бронза медаль соҳиби бўлди. Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев Россияда ўтган мутлақ жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз Дмитрий Ким, Акмал Эргашев ва Наталья Маматова совриндорлар қаторидан жой олиб, жорий йил Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари лицензияларини қўлга киритди. Муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентда илк маротаба ташкил этилган жаҳон чемпионатида 14 олтин, 8 кумуш ва 9 бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, юртимизда дзюдо, муайтай, қўл жанги сингари қатор спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати, жаҳон кубоги мусобақалари ва нуфузли халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилди. Марказ томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби кўплаб вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган шарқ яккакурашлари ва жанг санъати усталарининг махсус техника бўйича IV халқаро турнири, «Тўмарис спорт маликаси – 2011» кўрик-танлови, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари фестивали сингари тадбирлар, илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, спортчилар иштирокидаги учрашувлар ёшларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришга хизмат қилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Ширинбулоқ» спорт-соғломлаштириш базасининг фойдаланишга топширилгани ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, терма жамоа аъзоларининг жаҳон ва қитъа чемпионатларига тайёргарлик кўриши, шунингдек, турли спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Тадбирда спорт соҳасида эришилаётган кўплаб ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган айрим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уларни бартараф этиш, спортнинг яккакураш турлари билан шуғулланаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Яқиндагина шаҳримизда тезкор шахмат бўйича Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўзига хос мусобақа ташкиллаштирилганлиги ҳақида маълумот берган эдик.

УЛУҒБЕК — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Куни кеча Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан тезкор шахмат бўйича турнир уюштирилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан келган иқтидорли «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун ўзаро дона суришди.

Швейцарча тизимда бўлиб ўтган турнирда етти имкониятдан 6,5 очко жамғарган, олти партияда ғалаба нашидасини сурган, фақат биттагина беллашувда дуранг натижа қайд этган Улуғбек Тиллаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Улуғбек Тиллаевдан ярим очко ортда қолган Соиб Жўраевга фахрли иккинчи ўрин насиб этган бўлса, 4,5 очкога эга бўлган Роман Голубев учинчи ўрин билан кифояланди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчиларининг совринлари, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

АВСТРАЛИЯЛИКЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛИШАДИ

Маълумки, жорий йилнинг ёз фаслида Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этишга аҳд қилган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари Бирлашган Араб Амирликларида саккиз жамоа иштирокида уюштирилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб иккинчи ўрин соҳиби бўлишганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Айни кунларда шаҳримизда ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этаётган олимпиячиларимиз 5 февралда Тошкентда Австралия олимпия терма жамоасига қарши «Лондон-2012» йўлланмаси учун ўтказилаётган саралаш турнирининг учинчи босқич гуруҳ беллашувида майдонга тушишади. Шундан сўнг 22 февралда сафарда ирокликлар билан, 14 мартда эса БАА олимпиячилари билан ўз майдонларида куч синашадиган олимпиячиларимиз жиддий синовлар арафасида туришибди. Албатта ўз гуруҳларида пешқадамлик қилаётган футболчиларимизга фақат ғалаба зарур. Шу боис ҳам машғулотлар қизғин давом этмоқда. Дарвоқе, яна икки кундан сўнг австралиялик футболчилар Тошкентга келишади.

Биз олимпиячиларимизга кўп минг сонли мухлислар номидан муҳим беллашувларда фақат зафар қучишларини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«Тилсиз ёв»нинг олдини олиш, айниқса ёш болалар билан боғлиқ ёнғинларга қарши кураш юзасидан Бектемир ТИИБ ЁХБ ходимлари томонидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

«01»

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, катталар билан биргаликда бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг муҳими эса, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб келмоқдалар. Бинобарин, ёнғинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида ўтказилаётган кенг кўламдаги тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Чунки содир бўлаётган ҳар бир офат аввало ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасликдан ёки уларга риоя қилмасликдан келиб чиқади. Айниқса, болаларга ёнғин ҳақида батафсил тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Шунинг учун ҳам ЁХБ ходимлари тез-тез тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бўлишиб, кичкинтойларга ёнғин хавфсизлиги бўйича муҳим қоидаларни ўргатиб боришмоқда. Ёш болалар ўртасида фавқулодда ёнғин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги уқтирилмоқда.

Болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари қанча эрта ўргатилса, юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга шунчалик кўп ҳисса қўшган бўламиз. Ўтказиладиган суҳбатлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиблари тушунтириб, кўрсатиб борилмоқда. Бундан ташқари, ёнғинларнинг қандай талафотларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади.

Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Бектемир ТИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант

Ўз-ўз ўрганиб дono бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

● Олимлардан Муҳаммад Расулий айтади:

— Куз кунларининг бирида 80 ёшга кирган бир чол ёғочдан ясалган уйда ўтирганди. Қариянинг соч-соқоли жуда оқарган бўлса ҳам, юзи тўладан келган, белида қувват, қўллари эса бақувват, хуллас, ҳамма аъзолари саломат эди. Рўпарасида унинг невара ва эваралари ўйнаб юрганди. Шу вақт бир йигит келди-да,чол билан саломлашди. Чол билан бироз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайратли эканининг сабабини сўради.

Чол:

— Ота-онам ёшлигимдан бошлаб, кун чиққунча ўрнимда ялқовланиб ётишга рухсат бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туриб бир иш билан машғул бўлдим. Иш ва меҳнатдан сира ҳам эринмадим. Илмга ихлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўкис битиришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш ва меҳнат бутун аъзоимни қувватли қилди. Менга узоқ умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни ҳам иш-меҳнатга ўргатиб тураман. Агар сен мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш-меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт ихлос билан берилиб меҳнат қил, ялқовликдан йироқ бўл, — деб жавоб берди.

● Инсон ўз бошидан болалик, ёшлик, балоғат ва қарилик даврларини ўтказади. Унинг ҳар томонлама — руҳий ва жисмоний жиҳатдан юксалиши танисиҳатликка боғлиқдир. Бу одамнинг наслига ва туғилганидан бошлаб кечирган ҳаёт тарзига ҳам бориб тақалади.

● Чиниқиш — ташқи муҳитнинг зарарли таассурот омилларига нисбатан организмнинг қаршилик қувватини оширишга ёрдам беради.

● Ҳаёт — ширин, умр — азиз. Уни соғломлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва хушчақчақлик билан ўтказиш нақадар катта бахт. Шундай фаровон турмушимиз гаштини билмаган баъзи одамлар баднафслик билан спиртли ичимликлар истеъмол қиладилар. Натижада соғликларидан ажралиб, меҳнат қобилиятини йўқотадилар, оилаларини барбод этиб, ўзларини телбалик касалига мубтало этадилар. Дарҳақиқат, спиртли ичимликлар инсон саломатлигининг кушандаси. Ибн Сино айтганидек, «Шароб — заҳарларнинг биридир».

● Фарзандларимиз — келажагимиз. Бу сўз бежиз айтилмаган. Болаларимизнинг қандай бўлиб етишиши келажак тақдирини белгилайди. Қолаверса, бўлғуси авлодни, насл-насабини ўйлаган киши мутлақо ичкиликка берилмайди. Ана шунда тарбия ҳам ўз ўрнига тушади, ёш авлод соғлом ва бақувват бўлиб ўсади.

● Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

● Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шарти асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланиш лозим.

● Сиҳат-саломатлигига жуда ҳам эътибор қилувчи бир одам дарё ва нахрларда чўмилганда нималарга риоя қилинишини сўраб бир неча табибга мурожаат қилди. Табиблардан бирининг берган маслаҳати иккинчисига тўғри келмасди. Бири: «Сувда оч вақтда чўмилиш керак» деса, иккинчиси: «Йўқ, қорин тўқ пайтда чўмилиш фойдали», дерди. Учинчиси: «Сувга оёқ билан тушиш керак, деса, бошқаси: «Йўқ, сувга бирдан шўнғиш лозим», дерди. Бошқалари:

— Сувдан чиққандан кейин ҳаракат қилмасдан жим туриш керак...

— Йўқ, албатта ҳаракат қилиш лозим. Чунки, ҳаракат қилинса бадан қизийди. Бу фойда беради...

Хуллас, у одам нима қилишини билмай қолди. Ниҳоят энг тўғри маслаҳатни бир содда дўстидан олди:

— Дарё ва нахрларда чўмилсанг ўз ақлингни ишлатиб, чўкиб кетмасликни ўйла, саломатлигингга қараб чўмилавер.

(Давоми бор)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илиқ бўлади. Кундузи 7-9 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Биринчи Автокорхона» ОАЖ маъмурияти 3 йил меҳнат стажига эга бўлган «Д» тоифали ҳайдовчиларни ишга таклиф қилади. Ойлик маоши 500-600 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари хоҳловчилар «Д» тоифага ўқитилади.

Мурожаат учун телефон: 290-90-14.

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей маъмурияти соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида лицей буфетини ижарага бериш учун юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Академик лицей манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 217-уй. Тел: 269-39-90.

Тошкент Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицей буфетида ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этиш бўйича талабгорлар танлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишлари мумкин. Маълумот учун телефонлар: 246-23-31, 484-88-03

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11698 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345